

04-4-202  
14.08.2020



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Сирдарё вилоят ҳокими  
ўринбосари

**Ж. Ибрахимов**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2020 йил

**Сирдарё вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш  
БАЁНИ № \_\_\_\_\_**

2020 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Гулистон шаҳар

**Раислик қилди:** Ж. Ибрахимов – вилоят ҳокимининг ўринбосари

**Қатнашдилар:** Мирзаобод туман ҳокимлиги (Э.Махманазаров), “Сирдарё сув таъминоти” МЧЖ (Ю.Жалолов), “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК (Э.Турдибеков), вилоят ташкилот ва тегишли туман ташкилотлари ҳамда пудратчи ташкилот раҳбарлари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги “Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида аҳоли уй-жойларни қуриш ва таъмирлаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфротузилмалари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 294-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни ўз вақтида амалга ошириш тўғрисида.

*(Ибрахимов, Махманазаров, Жалолов, Рахимов, Турдибеков, Ибрахимов)*

Кун тартибидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги “Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида аҳоли уй-жойларни қуриш ва таъмирлаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфротузилмалари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 294-сонли қарорига асосан зиён етган ичимлик сув объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини зудлик билан бошланиши заруриятини инобатга олган ҳолда бош пудрат ва лойиҳа ташкилотларини аниқлаш бўйича йиғилиш

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги “Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод



туманларида аҳоли уй-жойларни қуриш ва таъмирлаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 294-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Сирдарё сув таъминоти” МЧЖ ва “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУКнинг 2020 йил 5 августдаги 01/241-сонли хати билан Мирзаобод тумани “Ҳақиқат” маҳалласидаги Солин қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун “Мирзачўлқурилишлойиха” МЧЖни бош лойиҳачи ҳамда “Сирарё сифат қурилиш” МЧЖни бош пудратчи этиб белгилаш тўғрисидаги таклифлари инобатга олинсин.


3. “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК (Э.Турдибеков) Мирзаобод тумани “Ҳақиқат” маҳалласидаги Солин қишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун бош лойиҳачи “Мирзачўлқурилишлойиха” МЧЖ ҳамда бош пудрат ташкилоти “Сирарё сифат қурилиш” МЧЖ билан белгиланган тартибда шартномалар тузсин.

4. “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК (Э.Турдибеков), вилоят Қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси (А.Эргашев) ҳамда тегишли лойиҳа ташкилотлари раҳбарлари мазкур объектларда олиб бориладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг сифатига шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

5. Вилоят молия бош бошқармаси (А.Рахимов) ва “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК (Э.Турдибеков)ларга тасдиқланган манзилли рўйхатларга мувофиқ, бир мартада 30 фоиз миқдоридаги бўнак (аванс) маблағларини ажратган ҳолда, белгиланган тартибда молиялаштирини очишга рухсат берилсин.

6. Мазкур баён қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимлиги котибият мудири Ж.Яриев зиммасига юклатилсин.

Баённома ёзувчи



Н. Норбоев



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
UY-JOY KOMMUNAL XIZMAT  
KO'RSATISH VAZIRLIGI  
«SUV TA'MINOTI VA OQOVA  
SUV OB'EKTLARI QURILISHI  
BO'YICHA INJINIRING  
KOMPANIYASI» DUK  
SIRDARYO VILOYAT HUDUDIY  
BOSHQARMASI



МИНИСТЕРСТВО ЖИЛИЩНО -  
КОММУНАЛЬНОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ТЕРРИТОРИАЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ  
СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ  
ГУП "ИНЖИНИРИНГОВАЯ  
КОМПАНИЯ ПО СТРОИТЕЛЬСТВУ  
ОБЪЕКТОВ ВОДОСНАБЖЕНИЯ И  
КАНАЛИЗАЦИИ"

120100 Guliston sh. Firdavsiy 70. tel: 225-63-63

« 5 » август 2020 йил

№ 01/244

Гулистон ш.

Сирдарё вилоят хокими  
ўринбосари  
Ж. Ибрахимовга

**Ўрнатли Жахонгир Баходирович!**

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Сирдарё вилоят худудий бошқармаси Сизга шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сирдарё вилоятида жойлашган “Сардоба сув омбори” тўғонида юзага келган фавқуллодда ходиса оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги” 2020 йил 1 майдаги Ф-5569-сон фармойишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йил 15 май куни Сирдарё вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқларига мувофиқ Мирзаобод тумани “Ҳақиқат” МФЙ даги “Солин” кишлоғи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти хокимининг 2020 йил 13 июлдаги № 168-Ғ фармойишига асосан “Мирзачулагроқурилишлойиха” МЧЖ томонидан лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқилган.

Ушбу объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун етарлича машина ва механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарурий қурувчи-муҳандисларга ва объектлар қурилишида тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар орасидан “Сирдарё сифат қурилиш” МЧЖ ни тавсия этамиз.

Бошқарма бошлиғи:

Э.Турдибеков

SIRDARYO VILOYATI HOKIMLIGI	
UMUMIY BO'LIMI	
KELDI №	6252
« 07 »	08 2020 yil